
Бувайда тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника биноси тўғрисида

Бувайда тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника биноси 1983 йилда фойдаланишга топширилган. Кўп тармоқли марказий поликлиника 3 қаватли бинода жойлашган бўлиб, эгаллаган умумий майдон 4700 м², бино ва иншоотлар эгаллаган майдон 724 м² ни ташкил этади. Хоналар сони 82 та. Кўп тармоқли марказий поликлиника биноси 2015 йилда давлат дастури асосида реконструкция қилинган. Бинода 2022 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида ёрилиш ва чўкиш ҳолатлари кузатила бошлаган, Фарғона вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг 29.05.2023 йил кунги техник хулоса асосида фойдаланишга яроқсиз деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 декабрь 2023 йил кунги “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-404 сонли қарори асосида кўп тармоқли марказий поликлиника биносини янги қуриш белгиланган. Шу асосида 2024 йилнинг март ойидан бошлаб давлат дастурига кўра марказий шифохона ҳудудидаги бўш турган ер майдонига замонавий типдаги 4 қаватли янги кўп тармоқли марказий поликлиника биноси қурилмоқда. Ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари асосий босқичлари якунланиб бинода пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда янги бинони электрон рақамлаштириш учун, мебель жихозлаш, кундузги стационарда даволаш учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Кўп тармоқли марказий поликлиника биноси жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилади. Шу билан биргаликда туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида қулайликлар яратилишини билдирмиз.

2024-07-24 19:35:45